



ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: САВДО ҲАЖМИ БАҲҚАРОР ЎСИБ БОРАЁТГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Россиянинг Нижний Новгород ва Омск вилоятлари, Бошқирдистон ва Красноярск ўлкаси раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Сўхбат аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва энг эзгу тиллакларини етказди.

Олий даражадаги учрашувлар натижаларига кўра эришилган келишувларни қабул қилинган "Йўл харитаси" асосида амалга оширилиши муҳомада қилинди.

Савдо ҳажми баҳқарор ўсиб бораётгани, саноат, энергетика, транспорт, металлургия, кимё ва бошқа соҳаларда қўша лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, жумладан, саноат зоналари доирасидаги кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш, худудлар ва бизнес даражасида фаол ҳамкорлик алоқаларини давом эттириш бўйича мувофиқлаштирилган чоралар кўриш муҳим экани таъкидланди.

Шу маънода, Тошкентда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилиши ва ишбилармонлик тадбирларининг натижалари юқори баҳоланди.

Шунингдек, учрашув доирасида Россиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари Президентимизга ахборот технологиялари, энергетика, электротехника, машинасозлик, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ режаларни тақдимот қилдилар.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИДАСИ ЎЙИНАРИНИНГ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ҲАМДА БАҲҚА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим! Ҳурматли ота-оналар, устоз ва мураббийлар!

Авалло, барчангизни Ватанимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган Президент Олимпиадаси ўйинларидаги муваффақиятли иштирокингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, саралаш босқичларида 100 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз орасида голиб ва совриндор бўлган 3 минг нафарга яқин сиздек энг кучли ва навқирон спортчиларимизнинг муносиб иштироки туфайли бу мусобақалар Ўзбекистон спортини ноёб тизим бўлиб шаклланишини бутун чуқур мамнуният билан таъкидлашга ҳақимиз.

Қарийб ўн кун давом этган қизгин ва мurosасиз беллашувларда эришилган галабалар, рекорд натижалар бу фикрни яққол исботлаб турибди.

Айниқса, оғир атлетикачи қизларимиз Шаҳноза Ҳайдарова, Моҳинур Эсонбоева, энгил атлетикачимиз Садафбону Нусратуллова Ўзбекистон рекордини янгилагани, юнон-рум кураши бўйича 17 ёшли Қамаридин Худойберганов амалдаги Осие ва жаҳон чемпиони Арини, Комила Султанова, Умарали Абдуҷабборов, Мираслава Омеленченко каби таъқвондочиларимиз эса мамлакат чемпионларидан устун келиб, энг юксак шоҳсупаларга кўтарилгани таъсирга сазовордир.

Яна бир муҳим жиҳати — бундан тўрт йил олдин йўлга қўйилган "Беш ташаббус олимпиадаси" тизимида кашф этилган иқтидорли ёшларимиздан 23 нафари ушбу Олимпиаданинг голиб ва совриндорларига айланди.

Буларнинг барчаси Президент Олимпиадасининг ёшларимиз учун гоёт масъулиятли беллашувга айлангани ва ўзининг шонли анъаналарини шакллантира бошлаганини кўрсатади.

Аминман, спорт соҳасидаги илк қадамларини қадрдон маҳалласидан бошлаган, бутун ўз худудининг шарафини дадил ҳимоя қилган бу фарзандларимиз келгусида жаҳон ареналарида Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этади.

Қадрли спортчи ёшлар! Сизларнинг иштирокингизда бўлиб ўтган беллашувларни биз бутун халқимиз билан биргаликда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб, Янги Ўзбекистонда юксак салоҳиятли олимпиячи қўллаб-қувватлаб келаётганидан қалбимиз қувонч ва ифтихорга тўлди.

Мусобақанинг голиб ва совриндорлари, уларнинг ота-оналари ва мураббийларини алоҳида қутлаган ҳолда бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Аслида, бундай мусобақаларда иштирок этишнинг ўзи улкан бахт, улкан ютуқ. Чунки бу ўйинлар сизларнинг қалбингизга Олимпиада руҳи, Олимпиада гоёларини олиб кириди, жаҳон ареналари сари дадил боришда катта таъриба ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу тизимни янада такомиллаштириб, унинг таркибига келгуси йилдан бошлаб, сув спорти, велоспорт, триатлон, қиличбозлик ва жамоавий спорт турларини ҳам киритамиз. Олимпиадаимизнинг ҳар бир босқичига халқаро спорт мезонлари тўлиқ татбиқ қилинади ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун тренерларини замонавий методология ва ёндашувлар асосида ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, мусобақалар натижаларини очик ва шаффоф усулда баҳолаш учун ҳакамларнинг мадақаси ошириб борилади, спорт турларидан келиб чиқиб, спорт мактаблари ва тўғарақлардаги шароитлар яхшиланади.

Ана шу ишларни амалга оширишда бу йилги мусобақаларда тўғилган билим ва таърибангиз, амалий тақлифларингиз билан сизлар ҳам муносиб иштирок этасиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мазкур беллашувларнинг саралаш ва финал босқичларини юксак даражада ташкил этган худудларимиз, тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутасадди шахсларга, спорт федерациялари, олий ўқув юртлири, техникум ва мактаблар жамоаларига, жонқуяр волонтерларимизга, ёшларимизни қўллаб-қувватлаб турган барча спорт мухлисларига, кўп миллатли халқимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Сизлар бутун катта марраларни забт этдингиз. Олдингизда эса бундан ҳам юксак довоновлар турибди.

Барчангизга келгуси мусобақаларда бундан ҳам ёрқин галаба ва натижалар ёр бўлишини тилайман.

Тинимсиз изланишдан, олға боришдан ҳеч қачон тўхтаманг, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗА

ДАВЛАТ ИДОРЛАРИ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ МЕХАНИЗМЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга давлат идораларининг аҳоли билан коммуникацияси самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли янгиликлар жараёнида аҳоли муносабатлари билан ишлаш тизимини ҳам такомиллаштириш, Халқ қабулхоналарининг имкониятларини кенгайтириш, фаолиятига замонавий ёндашувларни жорий этиш, жамоатчилик фикрини чуқурроқ ўрганиш ва қарорлар қабул қилишда уни инобатга олиш тобора долзарб аҳамиятга эга бўлиб бораётгани таъкидланди.

Аҳолининг қайфияти, эҳтиёжи ва орзу-интилишларини аниқ ҳамда тўлиқ ўрганишда замонавий, профессионал социология ва таҳлилий усуллардан фойдаланиш зарурлиги, бу ислохотлар нақадар самарали бўлаётгани ҳақида ҳолис ахборот олиш ҳамда келгуси истиқболга мўлжалланган тараққиёт

дустурларини тўғри ишлаб чиқишнинг муҳим омил экани кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз халқ билан мулоқот маданиятини изчил юксалтириш, фуқароларни эшитиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлигини таъкидлади.

Фуқаролардан келиб тушаётган муносабатларга нафақат тезкор жавоб бериш, балки уларни тизимли таҳлил қилиб, социологик тадқиқотлар натижалари билан солиштириш орқали тегишли ечимларни тақлиф қилиш, умуман, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот сифати ҳамда ишонччи мустақамлаш давлат ва бошқарув органлари, маҳаллий ижро этувчи

ҳокимият идораларининг асосий вазифаларидан бири экани яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

Ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги доимий мулоқотнинг институционал асосларини мустақамлаб, янгица ёндашувларга асосланган замонавий моделини шакллантириш, уни жамоатчилик фикрини ўрганиш тизимига боғлаш муҳим экани қайд этилди.

Мутасаддиларга халқ билан мулоқот механизмларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

КИМЁ САНОАТИ — МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҒИ

Президент Шавкат Мирзиёев кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш ҳамда таннархни пасайтириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кимё саноатини жадал ривожлантириш ва рақамлаштириш бўйича аниқ стратегия қабул қилинган. 2030 йилгача тармоқ ҳажминини камидан икки баробарга ошириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни 1,5 баробарга кўпайтириш ва экспорт ҳажминини 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда тармоқда умумий қиймати 1 миллиард долларлик 21 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда, келгуси уч йил учун яна 4,5 миллиард долларлик ташаббуслар шакллантирилган.

Тақдимотда кимё саноатидаги йирик корхоналарда баъзи ишлаб чиқариш қувватларининг эскирган оқибатида энергия харажатларининг юқорилиги ва рақобатбардорлик паслиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, азотли ўғитлар таннархнинг 55 фоизгача қисми энергия харажатларига тўғри келмоқда.

Соҳада энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш ва рақамлаштириш орқали харажатларни кескин қисқартириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Дунёда кимё маҳсулотларининг бозори тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Қўшни мамлакатларда 1 миллиард долларлик маҳсулотларга талаб ва логистика учун қўлай шароитлар бўлса-да, мазкур соҳадан етарлича фойдаланилмаётгани қайд этилди.

ЎЗА

ПОЙТАХТДА ТРАНСПОРТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 3 декабрь куни Тошкентда транспорт бошқарувини такомиллаштириш ва тирбандликларнинг олдини олиш чораларига доир тақдимот билан танишди.

Кейинги йилларда пойтахтда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича анча ишлар қилинди. Автобуслар парки икки баробарга кенгайтирилиб, уларнинг умумий сони 1,9 мингга яқинлашди, қатнов интервали 30 дақиқадан 15 дақиқага қисқарди. Натижада автобуслардан фойдаланувчиларнинг сони кунлик 1,4 миллион нафарга етди.

Ер ости ва ер усти метрополитен линияларининг умумий узунлиги 70,5 километрга етказилиб, бекатлар сони 29 тадан 50 тагача ошди. Метро бир кунда 900 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳар кўчаларида ҳаракатни ташкил этишнинг техник ишлари қўламли кенгайиб, 2870 та белги алмаштирилди, 2770 та янги белги ва 55 та светофор ўрнатилди.

Шу билан бирга, аҳоли ва транспорт воситалари сонининг ўсиши, шаҳардаги иқтисодий жараёнлар натижасида йўл инфратузилмасига юклама кескин ортмоқда. Пойтахтнинг асосий транспорт йўлакларига босим 2 баробар кўпайгани, кейинги йиллардаги 7-8 балли тирбандликлар одатий ҳолга айлангани кўрсатиб ўтилди. Жамоат

транспортдан фойдаланиш улуши шахсий автомобилларникидан камлигича қолмоқда. Буларнинг барчаси экологик ҳолатга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Дунё амалиётида йўл ҳаракатини бошқаришнинг энг самарали усули сифатида интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш қўлланмоқда. Мазкур ёндашувга кўра, шаҳарларда ҳаракатни ўз вақтида назорат қилиш, таҳлилин олиб бориш ва режалаштириш марказлашган ҳолда амалга оширилади.

Тақдимотда шу мақсадда Тошкент шаҳрида ягона йўл ҳаракатини ташкил этиш марказини яратиш тақлиф қилинди.

Марказ транспорт ва пидедалар оқимларини таҳлил қилиш ва моделлаштириш, интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш ҳамда бошқариш, транспорт мастер-режаси ва каркасини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, электр қувватлаш инфратузилмасини ривожлантириш, индивидуал ҳаракатли воситалардан фойдаланишни рабатлантириш каби вазифалар билан шуғулланади.

▶ Давоми 2-бетда



KELAJAK UCHUN

ISTIQBOLLI TASHABBUSLAR FORUMI

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЎЗ ТАКЛИФИНГИЗНИ ЙЎЛЛАНГ!

Мамлакатни билимли, фидойи ва шижоатли инсонлар ривожлантиради. Ўзбекистонда барча ислохот ва режалар халқимизнинг талаб ва тақлифларига таянади.

Энди бунинг учун қўлай имконият бор — "Келажак учун" форуми истиқболли ташаббуслар йўлланадиган очик мулоқот майдони. Ундан асосий мақсад соҳа ва худудларни ривожлантиришга жамоатчиликни жалб этиш, аҳоли тақлифларини юзага чиқариш, ислохотларнинг халқчиллигини таъминлаштириш.

Форум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги "Ислохотларни амалга оширишда истиқболли ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мувофиқ ўтказилади.

Бунинг учун масъул ташкилотлар ҳамкорлигида тизим йўлга қўйилди, kelajakuchun.gov.uz крауд-платформаси ишга туширилди.

Форум 3 та босқичдан иборат. Биринчи босқичда ташаббуслар, шу жумладан, хориждаги ватандошларимиз мазкур крауд-платформага кириб, One-ID орқали рўйхатдан ўтади. 5 та устувор йўналишдан бирини танлаб, тақлиф ва лойиҳалари мазмунини ёзади. Платформада ҳар бир фуқаро 5 тагача ташаббус йўллаши ҳамда жамоа бўлиб қатнашиши мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

ПОЙТАХТДА ТРАНСПОРТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Бошланиши 1-бегда

Марказ интеллектуал транспорт тизимининг оператори ҳисобланади. Мазкур платформа камералар, датчиклар, GPS воситалари орқали йиғилган маълумотларни, хусусан, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиб, тирбандликлар статистикасини юритиш ва уларни башорат қилиш, маршрутларни

оптималлаштириш, светофор фазаларини адаптив тарзда ўзгартириш, йўл-транспорт ҳодисалари рўй берган пайтда фавқулодда хизматларни чақириб каби имкониятларга эга бўлади. Тизимнинг жорий қилиниши натижа-сида йўлларда транспорт ҳаракатининг ўртача вақти ва фавқулодда хизматлар-нинг ЙТҲ жойига етиб келиш вақти қисқариши, асосий йўллардаги тирбанд-

ликлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари камайиши кутилмоқда.

Президентимиз тақлифларни маъ-қуллаб, пилот лойиҳани жорий йилнинг ўзидеъ ишга тушириб, келгуси йиллар-да уни кенгайтириш, 2030 йилга қадар уни худудлар билан интеграция қилиш-ни топширди.

ЎЗА

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЎЗ ТАКЛИФИНГИЗНИ ЙЎЛЛАҢ!



KELAJAK UCHUN ISTIQBOLLI TASHABBUSLAR FORUMI

Бошланиши 1-бегда

Иккинчи босқичда барча йўлланган ташаббуслар экспертлар томонидан ўрганиб чиқилади, уларнинг тавсияси асосида такомиллаштирилади. Яқунда энг муҳим деб топилган ташаббус ва гоълар кейинги босқичга ўтади.

Учинчи босқичда муаллифлар ўз ташаббусларини Менторлар кенгаши экспертларига тақдимот қилади. Му-ҳокамаларда энг долзарб деб топилган

ташабуслар “Топ-50” ва “Топ-10” тарзида сараланади.

Форумнинг якуний босқичи Тош-кент шаҳрида ўтказилади. Унинг са-наси ва аниқ жойи ҳақида қўшимча хабар берилади.

Голиб деб топилган 10 та энг илғор ташаббус Ўзбекистон Рес-публикаси Президентига тақдимот қилинади. Яқунда маъқулланган та-шабуслар ҳаётга татбиқ этилади.



Уларнинг муаллифлари моддий раф-батлантирилиб, лойиҳалари давлат то-монидан қўллаб-қувватланади.

Танланган ташаббусларни тижор-ратлаштириш ва молиялаштиришга Бизнесни ривожлантириш банки ҳам-да бошқа тижорат банклари, Илм-фанни молиялаштириш ва инновация-ларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналтирилади.

Форумга келиб тушган бошқа та-шабуслар давлат дастурлари, тармоқ ёки худудлар бўйича “йўл харитала-ри”ни шакллантириш учун Ҳукумат томонидан қўриб чиқилади. Форум доирасида барча жараёнлар Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги томонидан мувофиқлаштириб бори-лади.

Форумда қатнашиб, мамлакатимиз тараққиёти учун ўз таклифингизни йўлланг! Айнан Сизнинг ташаббусингиз голиб деб топилиши мумкин.

Конституция — ҳуқуқий давлат кафолати

Янги Ўзбекистон: Янги Суд Тизими — Янги Тамойиллар



Холмўмин ЁДГОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси

Янги Ўзбекистон суд тизимини тубдан демократлаштириш, бунда судлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнида судьялар ҳамжамияти органларининг фаол иштирокига алоҳида аҳамият қаратилаётгани замирида катта мақсад бор. Бунда судни бугунги кундаги шиддатли ислохотлар талабларига мослаштириш орқали ҳар қандай ҳолатда адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш масаласи турибди.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси ва бу борадаги халқаро ҳужжатларда белгиланган тамойиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суд ҳокимиятининг чинакам мус-тақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан бири самарали фаолият юрита-диган судьялар ҳамжамияти органлари ҳисоб-ланади.

БМТнинг Суд органлари мустақиллигига оид асосий принципларида судьялар ўз ма-нафатларини ҳимоя қилиш, касбий тайёргарли-гини ошириш ва мустақиллигини сақлаш мақ-садида судьялар бирлашмаларини ёки бошқа ташкилотларни ташкил этиши ва уларга кири-ши мумкинлиги қайд этилган.

Президентимиз 2021 йил 22 февралда БМТ-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида **судьялар кенгашлири фаолиятини янада такомиллаштиришга** қаратилган гоъ ва ташаббусларни илгари сурган эди.

судьялик қасамёди ва судьялар одоб-ахлоқи қондаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш борасидаги фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

Лектин сўнгги йиллардаги ислохотлар дина-микаси одил судлов тизимида судьялар ҳамжа-мияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ўрни ва роли, амалий аҳа-миятини кучайтириш заруратини вужудга кел-тирмоқда.

Мана шу ҳаётини заруратдан келиб чиқиб, Президентимизнинг шу йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қатор янги вазифалар белгиланди.

Судьялар ҳамжамияти органлари орасида Судьялар олий кенгаши фаолият мезонлари, мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан ни-ҳоятда муҳим ўрин тутди. Кенгаш конститу-циявий қоидага мувофиқ, судьялар корпусини шакллантиришда ҳамда суд ҳокимияти муста-қиллиги принциплари риоя этилишини таъмин-лайди. Шунингдек, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ҳамда суд-ларни молиялаштиришда иштирок этиш каби вазифаларни амалга оширишда асосий ролни бажаради.

Фармоннинг амалий аҳамияти шундаки, у мана шундай муҳим вазифа ва ваколатларга эга бўлган кенгаш фаолиятини умумэтироф этил-ган халқаро норма ва принциплар асосида та-ш-килий ва институционал жиҳатдан янада тако-миллаштиришга ҳуқуқий асос бўлади.

Ҳужжатда назарда тутилган судьяларни навбатдаги **ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиб**, судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик **муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)** тартиби ўрнатилиши;

биринчидан, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий асосла-рини такомиллаштиришга кизмат қилади; **иккинчидан**, одил судловга оид халқаро та-лаб ва стандартларда белгиланган **судьялар-нинг алмаштирилмаслиги** принципи таъмин-ланишига олиб келади;

учинчидан, судьялар судьялик фаолиятини амалга оширишда барча тузилмалар ва ман-сабдор шахсларнинг маъмурий буйруқбозлик-ларидан холи бўлишини таъминлайди.

Бир сўз билан ифодалаганда, судьяни про-фессонал фаолиятида одил судловни тўла-қонли амалга ошириш учун турли ички ва ташқи таъсирлардан холи қилиб, унинг муста-қиллиги ва дахлсизлигини таъминлайди. Пи-рровардида судьянинг ўз ишига нисбатан ички ишончи мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Илғор хорижий тажрибаларга кўра, аксарият давлатларда судьялар муддатсиз даврга тайин-ланиши бонс, ушбу принцип орқали судьялар-нинг пенсия ёшига еттунига қадар ваколатини асоссиз тўхтатиш, муддатидан илгари тугатиш, бошқа лавозимга ўтказиш, қайта тайинлаш бўй-ича муайян чекловлар белгиланган.

Шунингдек, айрим халқаро стандартларда назарда тутилган судьянинг алмаштирилмасли-ги тамойили **судьялик ваколати муддатининг**

Шубҳасиз, судья маънавиятининг энг муҳим категорияларини белгилаш ва уларни миллий қонунчиликка синдириш одил судловнинг маъ-навий-ахлоқий ва ҳуқуқий асосларини такомил-лаштиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини оширишга кизмат қилади.

Ушбу нормаларнинг миллий қонунчиликда акс эттирилиши Судьялар ахлокнинг Бангалор принциплари учинчи тамойили — “халоллик ва виждонлилик судья ўз мажбуриятларини ло-зим даражада бажаришининг зарур шартлари” имплементациясини таъминлайди. Зеро, одил судлов маънавий-ахлоқий асосларининг мустақ-кам пойдеворини ҳам судьянинг “халоллиги”, “касбий лаёқатлилиги”, “судьялик одоби қоида-ларига риоя этиши” сингари муҳим тушунчалар ташкил этади.

Мазкур тушунчаларнинг аниқ мезонлари қонунчиликка киритилиши судьялик касби талаб қиладиган вазифасига содиқликини келтириб чиқариб, унинг жамият олдидаги мажбуриятла-рини оширади. Судьянинг ўз кизмат вазифаси ҳамда одамлар тақдирига муносабатини ўзгар-тириб, тизимда коррупция ҳолатларининг олди олинишига эришилади.

Кенгаш таркибини шакллантириш тартиби судьялар ҳамжамияти органлари иштирокини ошириш орқали янада такомиллаштирилади. Жумладан, кенгашнинг доимий асосида фао-лият юритувчи судьялари лавозимига номзод-лар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилади. Бунда кенгашнинг доимий асосида фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қоида тариқасида, судья сифатида камда 7 йил ишлаган судьялар номзоди қар-тилариш мумкинлиги тўғрисидаги янги тартиб ўрнатилиши, амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ — кенгаш раисининг аъзоларни қан-дай мезонлар асосида танлашига аниқлик ки-ртади.

Бу нормалар кенгаш таркибини шакллан-тириш билан боғлиқ қатор халқаро стандар-тлар ва самарали концептуал моделлар қоида-ларига ҳамроҳанг. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суд қарорига кўра, суднинг муста-қиллигини баҳолашда судьялар кенгашига судьяларни тайинлаш тартиби, хусусан, та-йинлашни амалга оширувчи органларнинг характери суднинг ўзини ўзи бошқарувида долзарбдир. Бунинг учун сиесий органлар таъсирини камайитириш мақсадида суд кор-пуси мустақил равишда ўз вакилларини ке-нгашга сайлаши муҳимдир. Венеция комис-сиясининг таъкидлашича, муайян судьялар кенгаши таркиби бир-биридан фарқ қилиши мумкин, бироқ умумий талабга кўра, унинг камда ярим ўз ҳаммасларини сайлаган судья-лардан ташкил топиши лозим.

Судьялар орасидан кенгаш аъзолигига номзодлар Украинада судьялар сьезди, Лит-вада судьяларнинг умумий мажлиси, Грузия-да судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан сайланади.

Қайд этилганларга кўра, қонунда ке-нгаш аъзосига нисбатан талабларни белгилаш, аъзоликка номзод тегишли судьяларнинг ма-лака ҳайъатлари томонидан кенгашга тақдим этилиши ва муносив деб топилган муқобиллик асосидаги номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентига тавсия этилиши тартиби муҳим ҳисобланади.

Фармонда белгиланган вазифалар ижроси, хусусан, кенгаш аъзоларини танлаш мезонла-рининг қонунчиликда аниқ назарда қарати-лиши номзодларнинг объектив, шаффоф ҳамда адолатли танланишини таъминлашга кизмат қилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган на-вбатдаги янги демократик тамойил бевосита судьялар малака ҳайъатлари ҳамда судьялар олий малака ҳайъатларига қўшимча ваколатлар берилиши билан боғлиқ. Яъни Судьялар олий кенгашининг судьялик лавозимларига номзод-лар бўйича хулосалар қуйидаги судьялар ҳам-жамияти органлари томонидан тақдим этили-шини назарда тутди:

— судьялар малака ҳайъатлари — ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳри судлари, Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий судлари судьялари, худудий ҳарбий судлар, туманларро, туман, шаҳар суд-лари раислари, раис ўринбосарлари ва судья-лари лавозимларига номзодлар бўйича;

— Судьялар олий малака ҳайъати — Олий суд судьялари, Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий суд-лари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий су-дининг раислари ва раис ўринбосарлари ла-возимларига номзодлар бўйича янги тартиб ўрнатилмоқда.

Мазкур нормалар судьялар ҳамжамияти ор-ганлари жамоатчилик асосида фаолият юрита-диган судьялар малака ҳайъатлари ва судьялар олий малака ҳайъатлари зиммасига юклатилган вазифаларининг бажарилиши учун уларнинг масъулиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганимиз бундан бундан белгиланган янги демократик тамойиллар судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш орқали уларнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнида давлат ор-ганлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шах-слар, фуқаролик жамияти институтлари ишти-роки ва аралашувини кескин камайитиришга олиб келади.

Натижада судьялар ҳамжамияти орган-лари ва унинг муайян тузилмалари ўзининг энг муҳим фундаментал функциясини — судьяларнинг маънавиятини тўлақонли ифо-далаш имконини ошириб, янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади — жамият ҳаётида адолат ўрнатилишининг ҳуқуқий асосларини мустақ-камлайди.

ЖИЗЗАХДА ЎСИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Жиззахга ташриф доирасида ўтказилган учрашув ва мулоқотлар юртимиз тараққиёти, айниқса, бу вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун жуда муҳим аҳамият касб этди. Президентимиз жойларда қилинаётган ишлар, инфратузилма лойиҳалари ҳамда аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳридаги йирик инфратузилма лойиҳаларидан бири — янги транспорт узелини кўздан кечириб, унинг аҳамия-тини алоҳида таъкидлади. Мазкур лойи-ҳа доирасида 290 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, 700 метрли йўл ўтказгич ва 4 километрли янги автомобиль йўли қўриб битказилгани вилоят марказининг транспорт ҳаракатини энгиллаштиришда ҳал қилувчи омил бўлиши қайд этилди. Шунингдек, аҳолининг кундалик ҳаракат-ланиши, тез ёрдам машиналари юриши, умуман, қатновнинг сифатини яхшилашга кизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдан ташқари сессия бошланишида “Биз олди-мизга юксак марраларни қўйиб, Янги Ўз-бекистонни барпо этиш йўлида астойдил меҳнат қилаймиз, янгиликлар яратаямиз ва натижаларга эришяймиз. Вилоятни қандай оғир шароитлардан олиб чиқадимизни, Жиззахнинг ҳар бир туманида бўлаётган катта-катта ўзгаришларни, одамларнинг хурсандчилигини кўриб, жуда қувонманг ва фахрланманг”, деган ишонч сўзлари ҳеч

бир муболагасиз, ҳар бир жиззахликнинг юрагидан жой олди.

Мамлакатимиз етакчиси кейинги йил-да вилоятга 4,5 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келиш, экспорт қийма-тини 500 миллион долларга етказиш, 175 минг одамни ишли қилиш, 15 минг оилани камбағалликдан чиқариш борасида қаттиқ ишлаш кераклигини кўрсатиб ўтди. Ушбу топшириқларни бажаришда вилоятимизда имконият ҳам, салоҳият ҳам мавжуд.

Кейинги йиллардаги ислохотлар ту-файли Жиззах олдинги қолоқ, аграр ху-дуддан саноати тез ўсаётган вилоятга айланди. Оддий мисол: саккиз йил олдин вилоятдаги иш ўринларининг 42 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келарди. Бугун вилоятдаги 310 мингга яқин киши саноат ва сервис соҳаларидаги юқори даромадли иш билан банд. Шунинг ўзидеъ турли соҳа ва тармоқларда иш ўринлари кенгайиб бо-раётганини аналтади.

Президентимиз сессияда жойлардаги долзарб масалаларни эшитиб, уларни ман-зилли ҳал этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Хусусан, ҳаёт сифатини ошириш,



Эркин ХОЛМАТОВ, Жиззах вилояти экология ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи

иш ўринлари очиб, тадбиркорликни қўл-лаб-қувватлаш ва ижтимоий инфратузил-ман яхшилашга қаратилган аниқ режалар белгиланди. Ушбу вазифалар вилоятимиз-даги ислохотларнинг изчил давом этишига янги суръат бағишлайди.

Биз, фаоллар Президентимизнинг ушбу топшириқларини ўз вақтида ва юксак масъулият билан бажаришга тай-ёрмиз. Юрт тараққиёти йўлида ҳар бир ташаббус, ҳар бир лойиҳа амалда самара бериши учун бутун куч ва салоҳиятимиз-ни сафарбар этамиз.

1973 йилдан буён Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаман. Турли лавозимларда ишлаганман. Жумладан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини ҳам бошқарганман. Ўша пайтлардаги имкониятлар билан бугунги шароитларнинг орасида жуда катта тафовут бор. Ҳатто оддий жарроҳлик амалиётини бажариш учун ҳам шароит етишмас, моддий база ночор эди. Айрим режаларни орзу ҳам қилолмасдик.



Минавар СОДИҚОВ, тиббиёт фахрийси

Президентимиз ташрифи чоғида Жиз-зах вилояти кўп тармоқли тиббиёт мар-казини қўриб, соҳага сарфланган улкан инвестиция ва эътиборини яна бир бор ҳис этдим. Замонавий етти қаватли мажмуа кунига 400 нафаргача бемор қабул қила-ди, 344 ўринга эга, 100 миллион сўмдан ортқ қийматдаги МРТ, МСКТ, лабора-тория ва жарроҳлик ускуналари билан жиҳозланган. Муҳими, поликлиникадан тортиб, кардиохирургия, нейрохирургия, офтальмология ва урологиягача — барча йўналишдаги хизматлар бир мажмуада жамланган.

Марказ ишга туширилиши натижаси-да Жиззах вилояти аҳолисининг Тошкент

ёки қўшни вилоятларга қатнаши 80 фоиз-гача камаяди. Натижада халқнинг вақти, маблағи тежаланди. Муҳими, турли сар-сонгарчиликлардан қутулади.

Тиббиёт кластери доирасида Қозон федерал университети билан узоқ муд-датли ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Бу маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш, халқаро стандартларни ўрганиш, янги диагностика ва даволаш усулларини жорий этишга кизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, энди кадрлар тайёр-лашининг ўзи ҳам янги босқичга чиқиши керак.

Давлатимиз раҳбари бемор учун асо-сий шифокорнинг билими, малакаси ва ҳалол кизмати эканига алоҳида уруғ бер-ди. Бу соҳа масъулари, мутахассислар учун устувор вазифани белгилаб беради-ган фикр бўлди. Дарҳақиқат, энг замона-вий биноларнинг ҳам қиймати сифатли кизмат билан ошади, мустаҳкамланади. Ҳа, тиббиётимиз одамларни рози қилади-ган халқчил йўлга айланиб бормоқда.

Президентимиз бошчилигидаги исло-хотлар Жиззах вилояти тиббиётини янги босқичга олиб чиқмоқда. Бир пайтлар орзу бўлган шароитлар бугун рўёбга чиқ-қанди. Энди энг катта вазифамиз ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимизга чин дилдан кизмат қилишдир.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

қонунда белгиланган асослардан ташқари қайта кўриб чиқилмаслигини аналтади.

Бундан ташқари, БМТнинг судьялар ва ад-вокатлар мустақиллиги бўйича махсус маъруза-чиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистон бўйича ўтказишдан олдин 15 йиллик судьялик даврий-лиги белгилангани судьяларга босим ўтказиш ва уларнинг мустақиллигига таъсир кўрсатувчи хавф сифатида баҳоланган. У муддатсиз даврга ўтиш учун битта ваколат муддатида ишлашни тавсия этган.

Номзодни судьялик лавозимига тайинлаш тартиби турлича, хусусан, Озарбайжон ва Ру-звияда судья дастлаб 3 йил, Беларусь ва Молдо-вада 5 йил, ушбу муддатдаги фаолияти натижа-лари асосида узлуксиз муддатга тайинланади.

Фармонда белгиланган судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда “халоллик”, “касбий лаёқатлилиги” ва “судьялик одоби қоидаларига риоя этиш” талабларининг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш вазифаси миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқ, яъни судья маънавиятининг энг муҳим категориялари-ни назарда тутди. Натижада одил судловни таъминлашнинг асосий омиллари қаторида **судьянинг ахлоқий юксалиши, қалбон ул-ғайиши, виждонан поклиниши, унинг маъ-навий камолотини таъминловчи мезонлар мажмуи** ишлаб чиқилиб, қонун ҳужжатларида акс эттирилади.

Конституция — инсон қадр, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

ҚАЁТИМИЗ, ТАФАККУРИМИЗ, ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЯНГИЛАЁТГАН ХАЛҚ ИРОДАСИ ИФОДАСИ

2025 йил 4 декабрь, 251-сон

Алишер Навоийнинг "Подшоҳнинг суврати қонун, қонуннинг руҳи адолатдир. Адолат мамлакат равнақининг бош мезонидир", Форобийнинг "Қонун адолатга хизмат қилса, жамиятни саодатга етаклайди", Абу Али ибн Синонинг "Адолат ҳар қандай олий ҳужжатнинг руҳидир" деган ҳаётий сўзлари давлатчилик тараққиётида қонун устуворлиги, Конституциянинг нечоғлиқ улкан аҳамият касб этгани инъикосидир.



Мирзаусуп РУСТАМБОВЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Конституциявий комиссия аъзоси

Халқимизнинг хоши-иродаси, сиёсий маданияти ва ташаббускорлиги маҳсули бўлган янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилинганга икки йилдан ошди. Аҳамиятли жиҳати, унга киритилган ҳар бир ўзгариш ва қўшимчалар ўтган вақт давомида амалий ифодасини кўрсатиб, ҳаётий эҳтиёж ва муаммоларга мустақам ҳуқуқий ечим бўлмақда, бугунги тезкор ўзгаришлар, глобал тенденциялар ва халқимизнинг озу-истакларини ўзда муҳасса этиб, мамлакатимизнинг тараққиёт суръатига муносиб ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Президентининг "Бугун биз тарихининг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида туримиз. Мамлакатимиз тараққиётида мулақо янги даврга қадам қўймоқдамиз. Чунки янгилаган Конституциямизни қабул қилиш билан биз Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий



пойдевор яратдик" деган фикрлари ҳам Бош қонунимиз ҳозирги ва келажак авлод олдиди зарур ва ҳаётий ҳужжат экани белгиланди.

Шу жиҳатдан янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар, инсон қадрини улуглашга қаратилган ғоялар ва янгиланиш руҳининг амалда намоён бўлаётгани мамлакат тараққиётида мулақо янги босқични бошлаб берди. Ушбу жараёнда янги тахрирдаги Конституция давлатнинг асосий қонунини сифатида замон талабларига мос ҳолда жамият ривожининг табиий ва ҳаётий заруратига айланган.

Конституция муқаддимасида уни давлатчилигимиз ривожининг 3000 йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб қабул қилганимиз ёзиб қўйилган. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКОнинг 43-сессияси доирасидаги халқаро анжуманда Самарқанд тарихи қайта баҳолангани, илмий далиллар ва археологик топилмаларга асосланган хулосага кўра, шаҳарнинг тарихи илгари айtilгандек 2750 йил эмас, балки 3000 йилдан ҳам қадимроқ экани тасдиқлангани ҳамда дунё маданияти маркази сифатида яна бир бор тан олинган юқоридаги фикрларнинг амалий ифодасидир.

Янги тахрирдаги Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтирилди. Шунга мувофиқ ижтимоий давлат моделини амалга ошириш механизмлари изчил таъкиб этилмоқда. Бу борада "Инсон қадрини устувор бўлган, ижтимоий адолат таъминланган, аҳолининг эҳтиёжман қатламлари самарали қилинган, камбағалликни минимум даражага туширишга эришилётган ижтимоий давлат барпо этиш йўлида тизимли ишлар қилинмоқда. Маълумотларга кўра, 2015 йилдан буён дунёда глобал иқтисодий ўсish суръати ўртача

3 фоизни ташкил этиб, олдинги ўн йилликка нисбатан секинлашши кузатишмоқда. Агар беш йил олдин дунёда 650 миллион киши камбағалликда яшаган бўлса, бугун уларнинг сони 800 миллиондан ошди. Шу боис, 2030 йилгача глобал миқёсда камбағалликка барҳам бериш БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг биринчиси сифатида белгиланган.

Жаҳонда шундай тенденция кузатилаётган бир шартда мамлакатимизда камбағалликни камайтириш борасидаги ислохотлар самара бера бошлагани қувонарли. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифа сифатида белгиланиб, бу борада шарт-шароит яратиш, айниқса, муҳтож қатламга мақсадли кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг "Пешо бўлсанг, халқнинг оғирини кўтар. Шу билан давлатнинг руҳи тирик бўлади", деган сўзлари ҳаётий ҳақиқатдир.

Биргина мисол, охириги йилларда юртимизда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартирилган, яъни 7,5 миллион киши камбағалликдан чиқарилгани ҳамда бу борадаги ислохотларнинг изчил давом эттирилаётгани ижтимоий давлат тамойилининг амалий натижаси бўлмоқда. Шу билан бирга, охириги 7-8 йилда иқтисодий тизимиз 2 карра ўсгани, жорий йил якуни бўйича аҳоли жон бошига даромад 3500 долларга етиши бу борада муҳим омилдир.

Бугун мамлакатимизда 667 миңдан зиёд кам таъминланган оилага болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун 3 миллиард сўм, 245 миңдан ортиқ оилага электр энергияси ва табиий газ компенсацияси учун 40 миллиард сўм, 9500 га яқин оилага қўмилдорлик ва туғиш нафақаси учун 24 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилгани ижтимоий ҳимоянинг амалий натижаларидир. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтож яққа-ёлғиз ҳамда ёлғиз яшайдиган кексаларга тизимли кўмак берилмоқда.

Имконияти чекланган аҳолининг камбағалликка тушиб қолиши эҳтимоли юқори-

япти. Жорий йил бошидан буён стартапларга 270 миллион доллар ёки ўтган йилгига нисбатан 4 баробар кўп хорижий инвестиция киритилди. Бу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилиб, биргина Жаҳон банки билан ҳамкорликда қиймати 100 миллион долларлик янги лойиҳалар пакети амалга оширилмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда таълимга оид нормаларнинг кенгайтириши ва тақомиллаштирилиши таълим имкониятлари, ижтимоий адолат ҳамда келажакка инвестициянинг конституциявий кафолати сифатида ҳар бир фуқаро, жумладан, кам таъминланган ёшларга таълим олиш имкониятини оширгани, ўқитиш сифати ва илмий салоҳиятини ривожлантиришга замин яратгани билан аҳамиятлидир. Зеро, дунёда таълим олиш, илм-фан инфратузилмасини яхшилашга эҳтиёж ҳар қачонгидан юқори. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-киتابига кўра, жаҳонда саводсизликнинг йиллик иқтисодий зарари 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу эса келажакда мамлакатлар тараққиётига ўнганмас салбий таъсир кўрсатиши кундай равшан.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз етакчиси Президентлик фаолиятининг дастлабки даврдан бошлаб барча учун таълим имкониятларини кенгайтиришни ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали йўли сифатида белгилаб берди. Натижада узлуқсиз таълим тизимига эътибор тўдан ўзгарди, бу борада янги давр бошланди. Утган саккиз йилда қарий 500 та янги умумтаълим мактаби барпо этилгани, олий ўқув юртилари сони 77 тадан 202 га, талабалар сони эса 250 миңдан 1,5 миллионга етгани, Президент мактаблари, буюк олим ва мутафаккирлар номи билан аталадиган ихтисослаштирилган мактаблар фаолият юритаётгани бу борадаги муҳим натижалардир.

Кейинги саккиз йилда юртимизда таълим ва илм-фан учун харажатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўмни ташкил этгани, юзлаб янги боғчалар, мактаб, техникум ва олий-гоҳлар қурилгани, таълим ва илм даргоҳларини замон талаблари асосида жиҳозлаш, устоз ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган дастурлар, қисқача айтганда, масъулиятли ва машаққатли меҳнат асосида бу кўрсаткичга эришилди. Мамлакатимизда қисқа муддатда боғчалар сони 5200 дан 38 миңгача, қамров даражаси 27 фоиздан 78 фоизга етказилгани, тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчилари ойлигига тенглаштирилгани, ушбу муассасаларда раҳбар ва педагоглар маоши қарий 2 баробар оширилгани таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, олий таълим тизимини ҳам тўз ислохотлар амалга оширилиб, миқдор ва сифат жиҳатидан илгари кузатилмаган иқобий кўрсаткичлар қайд этилмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотига кўра, 2024/2025 ўқув йили бошида 18-23 ёшли аҳолини олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичи 47,7 фоизга етган. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 2014 йилда 6,8 фоизни, 2015 йилда эса 7 фоизни ташкил қилган.

2025 йилда Ўзбекистондаги 23 та олий таълим муассасаси QS (Quacquarelli Symonds) халқаро рейтингининг Марказий Осиёдаги нуфузли университетлари рўйхатидан ўрин олган бўлса, Times Higher Education Impact Rankings натижаларига кўра, 2024 йилда юртимиздаги 53 та ОИМ ушбу глобал рейтингга киритилди ва улардан 7 таси еткази 1000 та олий таълим муассасаси қаторидан жой олди. Хорижий ёшларнинг ҳам Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида ўқишга қизиқиши ортмоқда. Биргина мисол: 2024 йилда Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган чет эллик талабалар сони 12,5 миңни ташкил қилди ва бу 2017/2018 ўқув йилдагига нисбатан 9,6 баробар кўп кўрсаткич демакдир.

Талабалар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳам сифат босқичига кириб бормоқда. Хусусан, 2024 йилнинг ўзида 27,3 миң ўринли талабалар турар жойи барпо этилгани ҳамда ётоқхонага жойлашиш тизими тўлиқ рақамлаштирилгани ҳам салмоқли амалий натижалардан.

Албатта, мазкур рақамлар Конституциямизда таълим учун кафолатланган ҳуқуқлар самарасидир. Шу билан бирга, дуал таълимнинг кенг жорий этилиши, масофавий таълимнинг йўлга қўйилиши, шунингдек, олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик берилаётгани ўқитиш сифати ошишига самарали таъсир ўқказпти.

ЮНЕСКО статистика институти маълумотларига кўра, жаҳонда илмий ва маданий муассасалар раҳбарларининг 25 фоизи, таълим соҳаси бошқарувчиларининг 30 фоизи, таълимчиларнинг 33 фоизи хотин-қизлардир. Бу эса аёллар ҳуқуқларини таъминлашда тенгсизлик ҳамон сақланиб қолаётганини тасдиқлайди.

Шу жиҳатдан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг



қадр-қимматини улуглаш янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида етакчи ўринга қўйилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизларнинг турли соҳа ва тармоқларда Ватанимизнинг жадал тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшаётгани алоҳида эътирофга сазовордир. Масалан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар улуши ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 35 фоизга етди. Ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Айниқса, хотин-қизларнинг олий таълимга қамровини ошириш йўлидаги савий-ҳаракатлар натижасида юртимиздаги олий таълим муассасалари талабаларининг 52 фоиздан ортинин хотин-қизлар ташкил этмоқда. 2024 йилда магистратурада ўқитган 15 миңга яқин хотин-қизнинг 100 миңга яқин қисми контракт пули тўлаб берилди.

Ҳозир 6200 дан ортиқ хотин-қиз илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини оlima аёлларининг яратётгани ҳам жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Улар орасида халқаро даражада эътироф этилаётган илм-фан вакилларининг борлиги барчамизга кескиз фخر-ифтихор бағишлайди, ёшларимизни янгидан янги ютуқларга ундайди.

Янги тахрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ қатор нормалар ҳаёда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Бу борада куйидагиларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, Бош қонунимиздаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ағога ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади" деган нормадан келиб чиққан ҳолда давлат органлари, айниқса, судлар томонидан янги тахрирдаги Конституцияни бевосита қўлланган ҳолда қарорлар қабул қилиш амалиёти жорий этилди. Хусусан, суд амалиёти таҳлилга кўра, жиноят ишлари бўйича судлар ҳужжатларида 2023 йилга нисбатан 4,8 баравар кўп, фуқаролик ишлари бўйича судлар — 5,6 баравар кўп, иқтисодий ишлар бўйича судлар — 13,6 баравар кўп ҳамда маъмурий ишлар бўйича судлар 13 баравар кўп Конституция ва унинг моддаларига тўғридан тўғри ҳавола қилган.

Иккинчидан, Конституцияда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фой-

дасига тақдир этилиши белгиланган. Мазкур норма ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Бу борада давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва бу борада самарали назорат тизимини ўрнатилган қаратилган "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун ижросини самарали ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Учинчидан, инсоннинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, шахсининг судлангани унинг қариндошлар ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслигига оид кафолатлар кучайтирилди. Хусусан, қариндошнинг судлангани ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш ва унга ўтish чоғида фуқаролар ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмамлиги белгиланди.

Тўртинчидан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан оилавий ўрновонлик содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши, шунингдек, "Болаларни зуравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши ҳам Конституцияда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг зиммасидаги мажбуриятини таъминлайди.

Бешинчидан, Конституциямизга мувофиқ, озолиқдан маҳрум этилган шахслар ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида уларнинг Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакилларига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этгани учун озолиқдан маҳрум этилган маҳкумларнинг сайлов ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқлари

Камбағал оилалар реестрига киритилган оила аъзоси учун ижтимоий солиқ 3 йил мобайнида 1 фоиз ставкада тўланиши белгиланди.

Еттинчидан, янги тахрирдаги Конституцияда ҳар кимнинг соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатланган, давлат соғлигини сақлаш тизими, тиббий сургуртани ривожлантириш чораларини кўриши мустаҳкамланган.

Шу мақсадда сўнгги йилларда биргина тиббиёт соҳасига 230 триллион сўм йўналтирилиб, жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга туширилди, 1244 таси реконструкция қилиниб, жиҳозланди. Натижада бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоиз ошиб, тиббий хизмат аҳолига анча яқинлашди. Илгари асосан пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усуллари 400 дан ортинин ҳудудларда амалга оширилмоқда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича халқаро тажрибага асосланган янги модель жорий этилмоқда. Қисқа муддатда ҳудудларда 490 та муассаса қайта ташкил этилиб, юридик мақомга эга бўлган 350 та мустақил оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилди.

Пировадда мамлакатимиз аҳолисининг турмуш шартини яхшилашни, юртимизда ўртача умр давомийлиги эркаклар ўртасида 71 дан 73 ёшга, хотин-қизлар орасида эса 76 дан 77,5 ёшга узайди.

Муқаддимда қисмида янги тахрирдаги Конституция Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувчи асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилган ҳолда қабул қилинган қайд этилган.

Шу билан бирга, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларини ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташки сиёсат юритиши белгилаб қўйилган. Бу жиҳатдан кейинги йилларда мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон ЭКОСОС, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Статистика комиссияси каби нуфузли тузилмаларга аъзо этиб сайланди.

Жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида тарихий битим имзоланди. Пойтахтимизда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Мақлаҳат учрашуви миңгача мамлакатлари билан ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Шу билан бирга, "Марказий Осиё плюс" форматидидаги муносабатлар кучайди. Миңгача нуфузли халқаро майдонларда янги позицияни намоён этмоқда.

Конституциямиз янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда ва мамлакатнинг демократик ривожланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда асосий ҳужжат сифатида хизмат қилади. Янги тахрирдаги Конституция аҳолининг давлат ҳаётидаги иштирокчини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилишда асосий механизм бўлиб хизмат қилади. Бу эса барқарор тараққиёт ва ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.



Жараён

Иқтисодий муносабатлар ҳамда ривожланишларнинг бир учи ташқи сармоя — инвестицияларга бориб тақалади. Кўплаб мамлакатлар тажрибасида шундай, инвестициялар иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланган. Ҳар қайси соҳада ташқи сармоя улушининг ортиши ривожланиш тенденциясини белгилаб берапти.

ҚОНУНИЙ КАФОЛАТ

ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАЛБ

ЭТАЁТТАН ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

Бирок инвестиция жалб этиш учун лойиҳа истиқболга ишонч бўлиши билан бирга мамлакат ҳудудда эркин фаолият юритиш кафолатлари ва тегишли ҳуқуқий шароитлар мавжудлиги ҳам талаб этилади. Ана шундай инвестициявий муҳитни яратиш бўйича қилинаётган кенг қамровли ишлар, йирик ислохотлар, бозорларни либераллаштириш, бизнес муҳитини яхшилаш Ўзбекистонга чет эллик инвесторлар қизиқишини оширмақда.

Бу жараён дундаги мураккаб иқтисодий вазиятда содир бўлаётганига қарамай, Ўзбекистоннинг барқарор макроекономик қўрсаткичлари, жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг изчил ўсиши, саноат ва молия секторларининг доимий кенгайиб бораётгани инвесторларни ўзига жалб этмақда. Улар ушбу мамлакатга жадал ривожланаётган, дунёга кенг очилаётган дийр, катта салоҳиятга эга истиқболли бозор сифатида қарамоқда. Иқтисодий ислохотлар эса ишончини янада мустаҳкамлапти.

Асосийси, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Конституцияси нормаларида мустаҳкамланган. Хорижий инвесторларни ҳимоя қилувчи қонунчилик ҳам айнан Конституция нормаларига таянган ҳолда шакллантирилади. Яъни ушбу қонуний асос шаффоф ва барқарор бизнес муҳитини таъминлашда муҳим омилдир. Қолаверса, Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилган қонун устуворлиги, хусусий мулк дахлсизлиги, иқтисодий субъектларнинг тенглиги ва камситмаслик тамойиллари каби асослар халқаро ҳамкорлар ишончини оширишда ҳал



Мариус ДАН,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий инвестиция
жамғармаси бошқарувчиси ва
менежери, “Franklin Templeton
Asset Management” МЧЖ
хориж компанияси
бош директори

Яъни Миллий инвестиция жамғармаси ташкил этилиши ушбу йўналишда янги босқични бошлаб берди. Айни пайтда жамғарма миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида фаолият юритаётган 15 та йирик давлат корхонасида 25 фоиздан 40 фоизгача бўлган улушларга эгалик қилмоқда.

ердаги ислохотлар жараёнида иштирок этишни таъминлайдиган жуда жозибадор тармоқлардир. Масалан, энергетика соҳасини олайлик. Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари ўсиши билан бирга аҳоли сони ҳам ошиб борапти. Бу электр энергиясига талаб ҳам ортаётганини аниқлатади. Демак, ушбу соҳада портфель компанияларни ривожлантириш бўйича катта салоҳиятга эгамиз. Бошқа тармоқлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Албатта, ҳар қандай инвестицион қарорлар ортида муайян хавф-хатарлар ҳам бўлади. Аммо, бизнингча, Ўзбекистон мисолида потенциал имкониятлар ҳар қандай эҳтимолий хавф-хатарлардан сезиларли даражада устун туради. Иқтисодиётнинг базавий динамикаси, ислохотлар жараёни ва сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар, айниқса, яқин келажакдаги истиқболлар таҳлил қилинса, кўплаб асосий хатарлар бартараф этилгани кўринади.

Шунга қарамай, акциядорлик капиталга инвестиция қилиниши осон жараён эмас. У юқори шаффофлик, сифатли корпоратив бошқарув ва халқаро инвесторларни ишонтира оладиган аниқ стандартларни талаб қилади. Ана шу ўтти жараёни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон хавфсиз инвестиция муҳити яратиш ҳамда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга катта эътибор қаратишти. Яъни ҳозирги вақтда мамлакат хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг тўлиқ ҳимоясини таъминлайдиган кенг қамровли ҳуқуқий базага эга. Муҳим



қилувчи шартлардан дидир. Буларнинг бари мамлакатда инвестицион жозибадорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Замонавий механизм

Қонуний кафолат бўлган жойда ишбилармонлик муҳити ҳам ривожланиб боради. Янги Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги жадал тараққиёти бунга мисол. Унда хорижий инвестициялар ва компаниялар улуши ҳам сезиларли ошиб борапти. Ҳатто инвестицияларни жалб этишнинг янги механизмлари қўлланилмоқда.

2024 йил августда Президент Шавкат Мирзиёевнинг тегишли қарори билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида Миллий инвестиция жамғармаси акциядорлик жамияти ташкил этилгани ҳамда унинг ишончли бошқарувчиси ва менежери сифатида “Franklin Templeton Asset Management” хорижий компанияси белгилангани бунинг бир мисоли. Дунёдаги энг йирик профессионал активларни бошқарувчи ушбу компания 1947 йилда АҚШда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 30 дан ортқ мамлакатда фаолият юритади.

Миллий инвестиция жамғармасининг Franklin Templeton бошқарувига тайинлангани Ўзбекистоннинг хориж компанияларига бўлган ишончининг яна бир намунаси бўлди. Мамлакат амалиётида янгилик бўлган тузилма давлат корхоналарини модернизациялаш ва миллий капитал бозорини ривожлантириш дастурининг бир қисми сифатида таъсис этилди. Бу мамлакатда акциядорлик капиталига сармоя қилинишига тайёр инвесторларни жалб қилиш учун яратилган биринчи механизм бўлиб, унганча Ўзбекистон, асосан, тўғридан тўғри ва қарз шаклидаги инвестицияларни қабул қилиб келган.



молиявий самардорлик, ички аудит ва рискларни бошқариш механизмларини жаҳон стандартларига мослаштиришга қаратилган трансформация дастурлари амалга оширилади. Ушбу сай-ҳаракатлар инвестиция оқимларини қўлайтиришга, шунингдек, давлат бюджетига дивидендларнинг кучлироқ тушишини таъминлашни керак бўлган юқори рентабелликка қаратилган.

Жамғармага бириктирилган барча компаниялар қийматида сезиларли ўсиш салоҳияти мавжуд. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон иқтисодиёти ва бу

Қонуний кафолат бўлган жойда ишбилармонлик муҳити ҳам ривожланиб боради. Янги Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги жадал тараққиёти бунга мисол. Унда хорижий инвестициялар ва компаниялар улуши ҳам сезиларли ошиб борапти. Ҳатто инвестицияларни жалб этишнинг янги механизмлари қўлланилмоқда.

жиҳатлардан бири эса ушбу нормаларнинг амалиётда тўлақонли бажарилишини таъминлашдир. Шу мақсадда Миллий инвестиция жамғармаси ҳуқуқни қўллаш механизмларини такомиллаштириш, техник ёки институционал тўсиқларни бартараф этиш бўйича давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда тизимли ишланмоқда. Бу маҳалли ва халқаро инвесторлар учун ишончли, шаффоф ва истиқболли инвестиция муҳитини яратади.

Бугун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий ҳуқуқ тизимига изчил интеграция қилмоқда. Бу, бир томондан, инвесторнинг ўзга давлатда давлат корхоналари ва тижорат банклари стратегияларини қўриб чиқиш, уларда корпоратив бошқарув тизими,

катининг миллий ҳуқуқ ва суд тизими доирасида тўлиқ ҳимояланганини ҳис этишига имкон беради. Яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам инвесторлар фаолияти қонун билан кафолатланганига гувоҳ бўлаемиз. Бу янги Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги энг катта ислохотларидан бири дейиш мумкин. Ушбу жиҳат мамлакатда инвестор ва инвестициялар оқимини оширмақда.

Ўзбекистон Конституцияси эса мамлакатнинг ислохотлар, тараққиёт ва ҳуқуқий институтларини мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий интилишини ақс эттиради.



ЯШИЛ ОЛАМ:

ҚАДИМИЙ УЙҒУНЛИКНИ

ТИКЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТ



Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Инсоният ўтмишига назар ташласак, илк тамаддулар дарё бўйларига, унумдор заминларда шаклланигани кўраимиз. Қадимдан инсон ўз ҳаётини табиат қонунарига уйғун ҳолда қуришга интилган. Ҳар бир кашфиёт, ҳар бир ихтиро — табиатнинг ўзига тартиб ва мувозанатдан илҳомланган ҳаракат эди. Табиат инсон учун устоз, ҳаёт мактаби, яшаш манбаи бўлган.

Аммо янги даврга келиб, ушбу уйғунлик аста-секин заифлашди. Илм-фан ва технология ютуқлари одамларнинг имкониятини кенгайтирди. Шу билан бирга, табиат билан мувозанатни ҳам бузди. Бугунги тараққиёт кўп ҳолларда табиат билан ҳамоҳанг эмас, балки унга қарши йўналган кучга айланмоқда. Атмосферанинг ифлосланиши, иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, чиқиндилар муаммоси...

Шу ўринда инсоният олдида битта муҳим савол турибди: қандай қилиб иқтисодий ўсишни таъминлаган ҳолда табиий мувозанатни сақлаб қолиш мумкин? Бу савол бугунги глобал кун тартибининг энг муҳим масалаларидан бирига айланган.

Изланишлар, фикрлар ва тажрибалар жараёнида инсоният “яшил” иқтисодиёт йўлини танламоқда. Бу шунчаки янги иқтисодий

Инсоният энди табиатни фойда манбаи эмас, аксинча, ҳаётнинг ягона асоси сифатида кўра бошлади.

БМТ маълумотларига кўра, 2024 йил якунига келиб, жаҳон бўйича “яшил” иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар қиймати 2,3 триллион доллардан ошиб кетди. Бу рақам иқтисодий фаолиятнинг кўлами билан бирга моҳиятини ҳам ўзгартирди — капитал энди табиатга қарши эмас, балки уни асраш, тиклаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилмоқда.

Масалан, Хитойдаги улкан қуёш фермаси йилга 300 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу 150 мингдан зиёд хонадонни тоза, қайта тикланувчи энергия билан таъминлайди. Бундай лойиҳалар иқтисодий самарадорликни ошириш билан бирга инсоннинг табиат билан уйғун ҳаёт сари қадам ташлаётганини кўрсатади.

Дунё энергетикасидаги ушбу ўзгаришлар келажак қиёфасини белгиламоқда: тоза, чексиз ва иқтисодий жиҳатдан самарали энергия тизими барпо бўлмоқда. Бу жараёнда энг муҳим ютуқ — инсон онининг ўзгариши, яъни фойдани эмас, мувозанатни, истемолни эмас, барқарорликни мақсад сифатида кўра бошлаганидир.

Амалий ифода ва миллий стратегия

Бу глобал ўзгаришлар замирида Ўзбекистон ҳам барқарор тараққиётнинг “яшил” моделига изчил қадам қўймоқда. Мамлакатимизда экологик масъулият ва иқтисодий самарадорлик ўзаро уйғун кечishi учун тизимли асос яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасидаги ислохотлар мамлакат иқтисодий сиёсатини янги босқичга олиб чиқди. Бу стратегияда иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиий муҳитни муҳофаза қилишни миллий ривожланиш моделининг ажралмас қисмига айлантириш кўзда тутилган.

2023 йилда “Энергетика ислохотлари учун инновацион утлерод ресурсларини қўллаш” лойиҳаси доирасида энергетика тизимида муҳим янгиланишлар бўлди. Натижада мамлакат бўйича 6,3 миллион тонна карбонат ангидрид муқобилидаги иссиқхона газини ажратмаси қис-



модель эмас, балки тафаккур тарзидаги ўзгариш, табиат ва тараққиёт ўртасидаги қадимий уйғунликни тиклашга қаратилган ҳаракатдир. Ушбу йўл инсон ўзини табиатнинг бир бўлаги сифатида англаш, унинг ресурсларига нисбатан масъулият ва онгли ёндашуви шакллантиришга ундайди.

“Яшил” иқтисодиёт қайта тикланувчи энергия манбалари ёки экология ҳақидаги тушуنча эмас, балки инсоннинг дунёқарши, онги, маданияти ва масъулиятининг янги босқичидир. Бу тушунча инсон ва табиат муносабатларига янги назар солишни талаб этади.

Инсон фаолиятининг барча жабҳасида табиий қонунлар билан уйғунликни излаш, барқарор тараққиётнинг маънавий қадрият сифатида қабул қилиш демакдир. Бу йўлда иқтисодий ўсиш табиат билан зиддиятда эмас, балки унинг қонуниятлари билан ҳамоҳанг кечиши лозим. Зеро, тараққиёт рақамлар, статистика ёки иқтисодий кўрсаткичларда эмас, балки осмон мусаффолиги, сувнинг софлигини асраш, тупроқнинг ҳосилдорлигини муҳофаза этиш ва инсоннинг маънавий тинчлигида ҳам намоён бўлади.

“Яшил” иқтисодиёт инсонни истемолчи эмас, балки бунёдкор, табиатнинг ҳамқори сифатида кўради. Бу муносабат марказида фойда эмас, балки ҳаёт бардавонлиги туради. Шу боис, “яшил” иқтисодиёт нафақат иқтисодий стратегия, балки янги тамаддуний онг, янги маданиятнинг бошланғич нуқтасидир.

Глобал устувор йўналиш

Бугунги глобал иқтисодиётда “яшил” энергия ва экологик барқарорлик янги стратегик йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Бу йўналиш нафақат иқтисодий ислохотлар ўзанини, балки бутун дунё тафаккурини ўзгартирмоқда.

Бундай натижалар Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиёт тамойилларини нафақат назарий ёки ҳуқуқий жиҳатдан, балки амалий механизмлар орқали ҳаётга тадбиқ этишга киришганини тасдиқлайди.

Барқарор юксалиш пойдевори

Сўнгги йилларда мамлакатимиз саноат ва инфратузилма соҳаларида ҳам экологик маданият янги босқичга кўтарилмоқда. Бу ўзгаришлар техник модернизация билан ҳамоҳанг тарзда тафаккур янгиланиши, ишлаб чиқариш маданиятида масъулият ва барқарорлик тамойиллари қарор топаётганидан дарак беради.

Биргина мисол: кейинги вақтда йирик цемент ва металлургия корхоналарининг 140 тасида замонавий чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди. Бу чора-тадбирлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнини халқаро экологик стандартларга мослаштириш, экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, саноат корхоналари ўз ҳудудда ва туташ майдонларда “яшил белбоғ”лар барпо этмоқда.

2024 йилнинг баҳор ва куз мавсумларида 11,8 миллион туп дарахт ва бутта кўчати экилиб, давлат ўрмон фондининг фойдаланилмаётган 7000 гектар ери ўзлаштирилди. Бу сай-ҳаракат табиатни тиклаш баробарида агроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳам хизмат қилмоқда. Зеро, ҳар бир дарахт кислород манбаи бўлиши билан бирга иқлим барқарорлигининг иқтисодий кафолатидир.

Осмондек мусаффо

“Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш натижасида меҳнат бозорига янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, “яшил” иқтисодиётга изчил ўтиш натижасида Ўзбекистонда 2030 йилгача камда 200 мингта яқин иш ўрни очилади.

Бу янги соҳалар — қайта тикланувчи энергия муҳандислиги, экологик аудит, “яшил” қурилиш, энергия самарадорлиги, ресурс тежамкор технологиялар каби йўналишларда мутахассисларга талабни кескин оширмақда. Натижада таълим тизимида ҳам янги факультетлар, илмий-тадқиқот марказлари ва касбий стандартлар шаклланимоқда.

Шундай қилиб, “яшил” иқтисодиёт фақат иқтисодий сиёсат йўналиши эмас, балки бутун ижтимоий ҳаётнинг янги маданиятига айланиб бормоқда. Бунда барқарорлик, масъулият ва табиий мувозанат тушунчалари инсон фаолиятининг асосий қадриятга айланмоқда.

Албатта, бу йўл мураккаб ва узоқ муддатли жараён. Атмосфера ифлосланиши, чиқиндиларни қайта ишлаш тизими етарлича шаклланигани, саноатда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш суръатининг хали талаб даражасига етмагани бугунги реал муаммолардир.

Халқаро тажриба “яшил” молия тизими, яъни экологик лойиҳаларни инвестиция билан қўллаб-қувватлаш механизмлари соҳанинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, драйверига айлантиришни кўрсатипти. Бу йўналишда Ўзбекистонда ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, “яшил” облигациялар бозори, экологик фондлар ва имтиёзли кредит дастурлари яратилапти. Бу иқтисодий ислохотлар энергия самарадорлигини ошириш орқали жамият онгини янгилаш, инсоннинг табиатга муносабатини маънавий қадрият даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда.

Бугун юртимиз танланган ривожланиш йўлида инсон қадри, меҳнатнинг қиймати ва табиат билан уйғунлик устувор аҳамиятга эга. Чунки тараққиёт рақамларда эмас, балки тинчликда, болалар нафас олаётган ҳавонинг мусаффолигида намоён бўлади.

Эр инсон қўли билан қурилатган иншоотлардан ҳам қадимий ва бардавон. Агар одамзод уни асраса, табиат ҳам унга барқарор ҳаёт, тоза ҳаво ва соғлом келажакни инъом этади.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДИН СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



Илмий салоҳиятнинг ишлаб чиқаришга узлуксиз жорий этиб борилиши замонавий иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлайдиган асосий омиллардан биридир. Олимлар томонидан тақдир этилган назарий моделлар, технологик ечимлар ва экспериментал натижалар тадбиркорлик муҳитининг амалий эҳтиёжлари билан синтезланганида янги маҳсулотлар яратиш, ресурс тежовчи технологиялар жорий этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш имконияти кенгайди. Ҳозирги глобал рақобат шароитида бундай интеграция миллий иқтисодиётнинг технологик янгиланиш суръатини белгилайдиган стратегик восита сифатида юзага чиқмоқда.

Қишлоқ хўжалиги каби стратегик тармоқда ана шундай ҳамкорлик, айниқса, муҳим. Негаки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва агротехник жараёнларни модернизация қилиш учун илмий ечимлар изчил татбиқ этилиши зарур. Бу борада эса Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида тузилган режа-график асосда ташкил этилаётган олимлар ва тадбиркорлар учрашуви муҳим платформа бўлиб хизмат қилляпти.

Бу галги мулоқотда паррандачилик, чорвачилик, пахтачилик, галлалчилик ва боғдорчилик йўналишларида оид илмий ишланмалар тадбиркорларга тақдим этилди. 80 дан зиёд олим ва 150 дан ортиқ тадбиркор иштирок этган мажмура тадбирда беш йўналиш бўйича патентга эга 50 га яқин тайёр технология видеоматериаллар орқали намойиш қилинди. Хусусан, экологик барқарорлик, ресурс тежамкорлик ва экспорт салоҳиятини оширадиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушаруш якунида қатор ишланмалар бўйича 11 та ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу эса аграр соҳада илм билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция нечоғлиқ самара бераётганининг амалий тасдиғи бўлди. Демак, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мулоқот ва ҳамкорлик платформалари мамлакат илмий салоҳиятини иқтисодий ривожланиш драйверига айлантириши йўлида муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

Ислоҳот одимлари

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНГА ДАРҲОЛ ФОЙДА ОЛИБ КЕЛАДИГАН ЕЧИМ

Абдуқодир РАСАБОЕВ,
Қишлоқ хўжалиги механизациялаш илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди:



— Сўнгги йилларда аграр соҳада ривожланаётган технологик ечимлар қишлоқ хўжалиги самардорлигини оширишда янги босқични белгилаб берди. Соҳада юз бераётган ўзгаришлар, янги технологиялар ва илмий ёндашувлар биз, тадқиқотчиларни амалиётга яқин ва деҳқонга дарҳол фойда берадиган ечимлар ҳақида ўйлашга ундайди. Хусусан, уруғ сифати, биологик фаоллиги ва ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллар ҳақидаги илмий тасавурулар кенгайгани сари саралаш жараёнини такомиллаштиришга оид янги ёндашувлар талаб этилмоқда.

Соҳада қилиб айтганда, уруғ сифати бутун ҳосилга таъсир қилиши яхши маълум. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, жамоамиз билан қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини электрофизик хоссалари бўйича сараловчи, такомиллаштирилган электр саралогич қурилмаси ишлаб чиқиди. Бу қурилма уруғни электр майдонида саралайди, унинг массаси, ўлчами, зичлиги ва бошқа муҳим кўрсаткичларини ажратиб беради. Натижада уруғнинг унвчанлиги ошади, ниҳол тез ўсади, деҳқоннинг меҳнати янада самарали бўлади.

Ўтказилган тажрибалар уруғларнинг лаборатория ва дала шароитидаги унвчанлиги мос равишда 6-9, 15-18 фоиз ошишини кўрсатди. Ниҳоллар 7-10 кунда ўсиб ривожланади. Ҳосилдорлик 15-20 фоиз кўпаяди.

Қурилмадан Тошкент вилоятининг Янгийўл, Қўйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманларидаги фермер хўжаликлари, шунингдек, Фарғона вилояти Даңғара туманидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланиб, натижалар юқори бўлгани маълум қилинди. Ушбу қурилма чигит, арпа, шולי, бутғодй каби асосий экинлар уруғини саралашда ишончли бўлиб, ишқаланиш орқали ҳосил бўладиган электр майдонида майда сабзавот уруғларини таҳлил қилиш имконини ҳам беради. Тузилиши содда, энергия сарфи кам ва кўчма тарзда ишлаш имконияти мавжуд бўлгани туфайли қурилма деҳқон ва фермер хўжаликлари учун қулай технологик воситага айланади. Сараланган уруғларнинг биологик кўрсаткичлари яқинлиги, унвчанлик ва ҳосилдорлик юқори бўлиши аграр тизимда барқарорликка эришишда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, жамоамиз томонидан яратилган кўчма қўйиқлаш қурилмаси уруғ юзасига химояловчи ва озиқлантирувчи бирикмаларни бир маромда қўллаш имконини беради. Бу эса ўсимлик морфогенезининг дастлабки босқичларини тез ва тўғри ривожлантиришга хизмат қилади.

Соҳада инновацион ечимларни жорий этиш жараёнига давлат даражасида қаратилган эътибор ушбу ишланманинг амалиётга татбиқ этилишини рағбатлантирмоқда. Илмий муассасалар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар ўртасида шаклланаётган ҳамкорлик ҳар бир ўртақчилигини тезкор синовдан ўттиши ва иқтисодий капиталга айланишини осонлаштиради. Яратилган электр саралогич аграр соҳада технологик янгиланишга хизмат қилиб, мамлакатдаги инновацион ёндашувлар қаторидан ўрин олишига ишончимиз юқори.



АНИҚ РАҚАМЛАРГА ТАЯНГАН СУҒОРИШ УСУЛИ



Мусурмон ЗИЯТОВ,
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори:

— Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш жараёнида олимлар, тадбиркорлар ва фермерларнинг бир даврада йиғилиб, амалий натижа берадиган ечимлар устида бош қотириши соҳадаги муаммоларни ҳал этиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан. Зеро, дала шароитида синаб кўрилган ҳар бир янги технология орқали илмий изланиш, ишлаб чиқариш тажрибаси ва тадбиркорлик маъсулияти мужассам. Сугорилиш тизимларини янгиллаш, сув ресурсларини тежаш, ҳосилдорликни ошириш бўйича қўлланаётган усуллар ҳам айнан ана шундай ҳамкорлик самарасидир. Биз ишлаб чиққан қурилма илмий лабораториядаги тажрибалар, фермерлар саволлари ва эҳтиёжлари, аграр соҳада фаолият юритаётган ишбилармонлар билан суҳбат натижасида вужудга келган.

Бугун республикадаги гўзани парвартириш жараёнида сув тежовчи технологиялар, хусусан, томчилатиб сугорилиш усуллари кенг татбиқ этиляпти. Шунга қарамай, ўсимликнинг сувга талабини аниқлаш, сугорилиш муддатини тўғри белгилаш ва бу жараёни бошқариш қўлпаз фермер хўжаликлари учун мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун гўзани сув билан таъминлаш жараёнини илмий асосда аниқлайдиган ҳамда ақлли технологиялар ёрдамида бошқариладиган махсус қурилма яратдик. Мазкур қурилма ўсимликнинг сувга эҳтиёжини реал вақт режимида кузатиш, даладаги намлик ўзгаришига қараб тезкор қарор қабул қилиш ва сугорилиш жараёнини аниқлик билан йўлга қўйиш имконини беради.

Гўзани ўсиш даври давомида сув билан таъминлаш эҳтиёжи бир хил бўлмайди. У ўсиш босқичларига қараб ўзгариб боради. Тадқиқотларимиз гўза шоналаш давригача бўлган босқичда умумий сув талабининг қарийб 20 фоизи, шоналаш ва гуллаш фазасида 60 фоизи, пишиш

ЭКОЛОГИК СОҒ, МОЛИЯВИЙ НАФ КЕЛТИРУВЧИ ЯНГИЛИК

Феруза МАМЕДОВА,
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори:



— Глобал экологик муаммолар — ҳароратнинг ошиши, ҳаводаги кимёвий ифлосланиш, аллергия касалликлар кўпайиши каби омиллар бутун дунё аграр сисъатини қайта кўриб чиқиш заруратини туғдирапти. Пахтачилик соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Ишлаб чиқаришда табиийлик, кимёвий моддаларсиз маҳсулот етиштириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш талаби кескин ортди. Шу жараёнда олимлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорлик барқарор ривожланиш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этипти. Қишлоқ хўжалигида жорий этилаётган ҳар бир инновация орқали тадқиқотчиларнинг илмий изланиши, ишлаб чиқариш ва бозор эҳтиёжини яхши англаган бизнес вакиллари-нинг фикрлари, шунингдек, давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли дастурлар турибди.

Мана шундай шароитда гўзапоянинг экологик соғ, органик ва табиий рангга эга навларини яратиш бўйича ўтказган тадқиқотларимиз бугунги талабга

тўла уйғун келади. Республикада асосан оқ толали пахта навлари етиштирилса-да, жаҳон тажрибасида табиий рангли толали пахталик катта майдонларда экиляпти. Бу навларнинг афзаллиги шундаки, буюк ва кимёвий ишлов талаб қилмайди, аллергия таъсири йўқ, экологик тозаллиги юқори ва уларга нисбатан бозор талаби тобора ортиб бормоқда. Шу боис, илмий изланишларимиз жараёнида жигарранг ва яшил толали, тола чиқими юқори, вегетация муддати барқарор, биотик ва абиотик стрессларга чидамли янги навларни яратдик. Ушбу навлар иқтисодий самардорлиги ва экологик афзаллиги билан одатий оқ нави пахта-лардан ажралиб туради.

Тарихга назар ташласак, Ўзбекистонда табиий рангли пахталик 1938-1948 йилларда етиштирилган, аммо буюк саноатнинг кескин ривожига туфайли унга эҳтиёж пасайган.

Бугунги экологик вазият фондида эса кимёвий буюкларга талаб қисқараяпти, табиий толаларга эҳтиёж йил сайин ошмоқда.

Рангли пахтанинг яна бир катта афзаллиги — уни қайта ишлаш харажати кам, ишчи кучи сарфи паст. Шу боис, бозордаги нархи оқ толали пахтаникига нисбатан қарийб икки баравар юқори баҳоланади. Тадқиқотларимиз давомида яратган кўнғир толали тизма тола чиқими, тола узунлиги, микронейр умумий кўрсаткичлари, чигит вази ва тешишарлиги жиҳатдан республикада кенг етиштириладиган оқ толали навларга деярли тенг келади. Шу билан бирга, табиий органик маҳсулот сифатида экологик афзаллиги жуда юқори. Айни йўналишда яшил толали гўза навларини яратиш устида ҳам илмий ишларни давом эттиряптимиз.

Албатта, бундай ишланмалар фақат лаборатория доирасида қолиб кетмаслиги муҳим. Хусусан, тадбиркорлар, инвесторлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ўтказилган учрашув ва амалий синовлар жараёнида ушбу навларнинг иқтисодий фойдаси, бозордаги устуңлиги ва экологик қиймати яна бир бор тасдиқланди. Давлат даражасидаги ислохотлар — органик маҳсулотлар бозорини кенгайтириш, сув тежамкор технологияларини жорий этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш сисъати ана шундай ишланмаларни амалиётга жорий қилишга йўл очаяпти.

Фонизгача сингагани кузатдик. Токсикология текширувлар Шангауру ва Япония лабораторияларида ҳам ўтказилди. Хулосалар бир хил — маҳсулотда захарли модда ҳам, радиациявий таъсир ҳам йўқ. Демак, “СБ feed” ни чўчимай, паррандаларга ва чорва молларига бериш мумкин.

ЧОРВАЧИЛИК БОЗОРИДА ОРГАНИК, АРЗОН ВА САМАРАЛИ МАҲСУЛОТ

Дилшод ЙЎЛДОШЕВ,
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти хузуридаги Куёнчилик селекцияси ва генетика маркази бўлим мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди:



— Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг барқарор устуңларидан бири бўлиб турган пайтда чорвачилик соҳасида озуқа хавфсизлиги, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш масалалари давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилётган йўналишга айланганига гувоҳ бўляптимиз. Бу бежиз эмас. Озиқлантириш тизими — чорвачиликнинг юраги, маҳсулдорлигининг асосий ҳалқаси. Мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар, фермерлар тажрибаси ва тадбиркорларнинг инвестиция қизиқчилиги бир нуқтада бирлашмаса, замонавий чорвачиликдан кутилган натижа олиш мушкул. Шу боис, бугун илмий институтилар, ишлаб чиқарувчилар ва озуқа саноати вакиллари ўртасида ҳамкорликнинг янги модели шаклланыпти. Буни соҳага қаратилётган давлат даражасидаги эътибор маҳсули деб ўйлайман.

Шу ташаббуслар фондида биз ўтказган тадқиқотлар чорвачиликда ҳали фойдаланилмаган, аммо улкан имкониятга эга хомашёдан — шולי кепакдан озуқаий қўшимча ишлаб чиқишни назарда тутди. Одатда шולי кепакга чорва ейиши қўйин бўлган, кўпгина чиқариб ташланадиган ёки ёқиб юбориладиган чиқинди сифатида қаралади. Биз бу ресурсни қаттиқ фазали ферментация орқали қайта ишладик: унинг таркибидоги қаттиқ, ҳазм бўлмайдиган толарани парчаладик ва кейин “тричодерма лигнорум” номли фойдали замбуруғ штамминини ўстирдик. Бу замбуруғ табиий антисептик таъсирга эга бўлиб, ишқорий ҳолат мувозанатини барқарорлаштиради, зарарли микроорганизмларни жиловлатади. Натижада олинган янги маҳсулот — “СБ feed” озуқаий қўшимчаси таркибидоги bacillus subtilis бактерияларининг улуши граммга бир миллиондан ортиқ миқдорга етди. Бу микроорганизмлар ошқозон-ичак тизимини барқарорлаштириб, озуқанинг организмга сингishiни сезиларли даражада яхшилади. Қўшимчани бойлер ҳужайрари рақсонда синовдан ўтказдик. 35-42 кунлик етиштириш жараёнида унга минимал (5 фонизгача) даражада аралаштириб борганимизда маҳсулдорлик 4 фониздан 16

Лойиҳа MUNIS дастури доирасида амалга оширилиб, Ўзбекистонда биринчи марта қаттиқ фазали ферментация орқали озуқа ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Бу, ўйлаймизми, иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим қадам.

Албатта, бундай натижага фақат лаборатория шароитида эришиш деярли имконсиз. Тадқиқот давомида фермерлар билан мунтазам мулоқотда бўлиб, тадбиркорлар билан имкониятларини муҳокама қилдик, озуқа ишлаб чиқарувчи корхоналар билан технологик босқичлар устида бирга ишладик. Ишбилармонлар билан сўнги учрашувида ҳам энг кўп қайд этилган фўнгуш бўлидики, соҳадаги муаммоларни фақат илмий ёндашув ва амалий тажриба билан ҳал бўлган ҳолатдагина ҳал қилиш мумкин. Биз яратган озуқаий қўшимча ва янги ферментация технологияси эса илм, тадбиркорлик ва амалиёт учлигининг реал натижага айланган намунасидир. Шу тамойил асосида ишлаш давом эттирилса, Ўзбекистон дунё чорвачилик бозорида органик, арзон ва самарали маҳсулотлари билан, албатта, рақобатбардор бўлиб, ўзининг мустақкам ўрнини эгаллайди. Мен бунга ишонманам.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Аслидин АБДУРАЗОҚОВ тайёрлади.

Маъно тасривути

(“СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ” КИТОВИДАН)



Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

Баъзан нутқда маъноси бир-бирига яқин сўзларнинг бири ўрнида иккинчисини ишлатиш ҳолатлари учраб туради. Бу нутққа салбий таъсир кўрсатади. Ушбу фаслда шундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида бир неча мисол келтирамиз. Баъзилар “тавсиф” сўзи ўрнида “тасвир” сўзини ишлатади. Ваҳоланки, “тавсиф” ва “тасвир” сўзларининг орасида маъно фарқи ва ҳар қайсисининг ўз ишлатиш ўрни бор.

Бир нарса сифатларининг оғзаки ёки ёзма баёни “тавсиф”, сурати, шакли, расми ё схе-маси эса тасвир бўлади. Тавсифдан кишида тушунча ҳосил бўлади, тасвирдан тасаввур вужудга келади. Масалан, бир машинанинг тузилиши ва ишини баён қилиш бу ўша машинанинг тавсифи бўлади. Шу машинанинг расми ёки тузилиш схемаси унинг тасвири бўлади. Яна бир мисол: мия тузилишини сўз билан тушунтириш тавсиф, унинг расми ёки схемаси тасвир.

Баъзан “тавсир” сўзи баёнга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Аммо у фақат бадий баённи аниқлашда ёки тавсиф тасвир даража-сида бўлганини билдиради. Масалан, ёзуви паровозни бирор нарсага ўхшатса ёки “паро-воз пишириб келмоқда”, деса, аслида бу ҳам тавсиф бўлса-да, яъни сўз билан баён этилган бўлса ҳам асосида тасаввур ётгани учун “тавсир” дейиш мумкин. Шундай қилиб, “тавсир” сўзи “тавсиф” сўзи ўрнида фақат бадий тавсифга нисбатан ва кўча маънода қўлланиши мумкин экан.

“Чопмоқ” билан “югурмоқ” феъллари ора-сида ҳам фарқ бор, лекин бир-бирига яқинла-шиб келадиган маънолари ҳам кузатилади. Бу феълларни маъно жиҳатдан яқинлаштирган ҳаракат болаларнинг чопиши ва югуриши-дир. Боланинг чопиши билан югуришида ас-лида фарқ бор. Агар бола ўзини от мингандек тасаввур қилиб, уни қамчилангандек ҳаракат билан югуриб кетса, “бола чопиб кетди”, акс ҳолда, “югуриб кетди”, дейилади. Лекин бунга эътибор бермаслик натижасида баъзан “чопмоқ” феъли ўрнида “югурмак” ва гоҳо “югурмак” феъли ўрнида “чопмоқ” феълни ишлатиш ҳолатлари учраб туради. “Чопмоқ” феълнинг туб маъноси қўлни бирор қурол ёки қуролсиз кўтариб уриб, бирор ишни амалга оширомоқдир. “Ер чопмоқ” деганда кетмонни кўтариб ерга уриш, “қилич чоп-моқ” деганда қилични кўтариб уриш, “гўшт чопмоқ” деганда болтани кўтариб уриш, “от чопмоқ” деганда қамчинни кўтариб уриш на-зарда тутилган.

Ҳозир шеваларда учрайдиган “лой чапти”, адабий тилдаги “беттачоплар” деган иборалар-да ҳам “чопмоқ” феълнинг ўша туб маъноси

назарда тутилган. Хулоса шуки, чопмоқ қўл-га алоқадор, югурмак оёққа.

Омма тилида маъноси бир-бирига яқин сўзларнинг фарқсиз қўлланиши баъзан қар-дош тиллар орасидаги фарққа ҳам сабаб бў-лади. Бу ҳолни биз “ё” ва “мой” сўзларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, кирғиз ва қозоқ тилларида “мой” сўзи “ё” сўзи ўрни-да ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида эса “ё” сўзининг “мой” сўзи ўрнида ҳам қўллани-ганини кўриш мумкин. Масалани равшанла-штириш учун бу сўзларни рус тилидаги шу маънодаги сўзлар билан қиёслайлик. Рус тилида “жир”, “сало”, “масло” деган сўзлар бор. Бу сўзларнинг ҳаммаси табиатдан бир хил моддани билдиради, аммо манба жиҳат-дан фарқ қилади. “Сало” деб ҳайвонники, “масло” деб ўсимлик, сут ва маъданники, “жир” деб ҳаммаси айтади. “Жир” асли туркий сўз бўлиб, ўн биринчи асрда Маҳ-муд Кошғарийнинг луғатида қайд этилган. Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўллана-ди. Озгин киши ёки молга нисбатан “бунга ҳеч жир битмаёпти” деган гапни, гўшт ёки таом-га нисбатан “ҳеч жири йўқ” деган жумлани эшитиш мумкин.

Ўзбекчадаги “жир”нинг русча “жир”дан фарқи шу ердаки, у ўзбек адабий тилида кам қўлланади, чунки кўпчилик бу сўзни ўзбек-ча “ё” сўзининг русчаси деб тушун қилади. Асли тожикча бўлган “дазмол” сўзининг маъ-нодоши бўлмиш аслида туркий, жумладан, ўзбекча бўлган “утуг” сўзига бўлган муноса-бат ҳам шундай.

Энди “ё” сўзига келсак, бу ўша русча “сало” сўзининг, “мой” эса “масло” сўзининг муодиллидир. Бинобарин, “зинир ёни” эмас, “зинир мойни”, пахта ёни эмас, “чингит мойни” дейилса маъқулроқ бўлади.

“Дарс” билан “сабоқ” ҳамда “ўқиш” ва “таҳсил” сўзлари орасида ҳам маъно фарқи бор. Булардан “сабоқ” сўзининг шаклига ҳам изоҳ беришимиз керак. Бу сўз классик адабиётда, ҳамза Ҳакимзода Нисийи, Абдул-ла Қодирий, Фағур Ғулом каби шoir ва ёзув-чиларнинг асарларида ҳам “сабоқ” шаклида-



дир, яъни иккинчи унли “о” эмас, “а”дир. Бу талаффуз, яъни “сабоқ” талаффузи баъзи шеваларда ҳам сақланган. Аммо имло луғат-ларида ва ўзбек тилининг изоҳли луғатида “сабоқ” шакли берилган. Шунга биноан, бу сўзни адабий нутқда “сабоқ” деб талаффуз

тиллик тугилади, тил ҳозирги замон нутқдан назаридан ҳеч қандай зарар кўрмайди. Аммо традиция бузилади. Тил ва уни ёзувда акс эт-тириш мураккаб ҳодисалардан бўлгани учун унга субъектив аралашув қўйилмаган салбий натижаларни келтириб чиқаради. Буни яхши

биринчи фарқи шуки, дарс ҳажман чекланма-ган, “сабоқ” чеклангандир. Сабоқ ўқиш ёки ўқитишнинг бир мартадагисини билдиради, дарсинг бир учрашув учун мўлжалланган бўлаги ёки шу бир учрашувда ўтилган бўла-ги ва ўқилиши ҳам ўргатуви, ҳам ўрганувчи учун “сабоқ” ҳисобланади.

Бу сўзлар орасида ҳозир унутилиш даража-сига келиб қолган яна бир фарқ бор. Бу шун-дан иборатки, “дарс” сўзи умумий маънода эмас, махсус маънода олий таълимга нисбатан қўлланилади, илмини ўқиб эшиттириш ёки ўқи-масдан оғзаки баён этиш тушунилади. Бунинг баён қилинмоғи “дарс айтмоқ”, тингланмоғи “дарс тингламоқ” дейилади. Шу йўл билан ўр-ғатмак “дарс бермак”, ўрганмак “дарс олимоқ” дейилади. “Ўқиш” билан “таҳсил” орасидаги фарқ шундан иборатки, таҳсил сўзи ўрганиш-нинг тури жиҳатдан “ўқиш” сўзига нисбатан чекланган бўлиб, у фақат олий юрғутидаги ўқишга нисбатан қўлланади. Масалан, “фа-лоңи университетда таҳсил кўрди” дейилади, лекин “мактабда таҳсил кўрди” дейилмайди. Аммо ўқиш сўзи ҳаммасига нисбатан қўлла-нади. Бундан ташқари, “ўқиш” сўзи “мутаола” маъносига ҳам ишлатилади.

Энди “шамол” сўзининг маънодошлар-и орасидаги фарқни билиб олайлик. Ҳаво ҳаракатини билдирувчи сўзлар “ел”, “бод”, “шамол”, “жануб”, “сабо”, “дабур”, “довул”, “шурга”, “зисил”, “насим”, “шаббод”, “туңд-бод”, “тармсел”, “самум”, “сарсар”, “изги-рин”, “бўрон”, “бўрагон”, “пурга”, “тўфон”, “тайфун”, “ураган” ёки “ураган”, “тирдбод”, “қунон”, “уюрма”дир.

Шамол сўзининг ўзи аслида шимолдан эс-ган елни билдиради. Лекин ҳозирги ўзбек ти-лида бу сўз кенг маънода қўлланади. Махсус эски китобларда жанубдан эсан ел “жануб” деб аталади, аммо бугунги ўзбекчада жануб сўзи маънода бутунлай ишлатилмай-ди. Ғарбдан эсан ел эски китобларда “дабур” деб юртилади, аммо ҳозир бу сўз довуш шак-лини олган ва вайронлик келтирадиган куч-ли шамолни билдирадиган сўзга айланган.

“Сабо” сўзи шевьда кўп ишлатилгани учун ўз шакли ва маъносини ўзгартирмаган, Шарқ-дан эсадиган ел сабо деб аталади. “Сабо” — тонг ели деган фикр ҳам бор. Бу фикрнинг



қилдилар ва шундай ёзадилар. Бундай қи-линишига етакчи деб ҳисобланган шаҳар шеваларида “уроқ”, “қулоқ”, “сўроқ”, “тар-оқ” каби бирдан ортиқ бўғинли сўзларнинг охиридаги “қ” товуши олдидаги унларнинг “а” эмас, “о” деб талаффуз этилиши сабаб бўлган. Мақсад мазкур сўзни имло қоңда-сига мослаштириб, ўқувчиларга имлони ен-гиллаштириш бўлган. Лекин бундай сунъий ен-гиллаштиришнинг савод сўйсуйишига олиб келиши ҳисобга олинмаган. Масаланинг мана шу жиҳати бўлмаганда рус педагоглар-и ва олимлари аллақачон “сабока” сўзидаги биринчи унлини “о” ҳарфи билан эмас, “а” ҳарфи билан ёзишни расмийлаштирган бў-лар эди. Чунки бу ердаги “о” ҳарфи билан ёзилиб, “а” деб талаффуз этиладиган фо-нема “вода” каби сўзлардагидек эмас. Шунинг учун рус лингвистлари бунга “типерфонема” деб атайди. Типерфонемаларнинг имлода талаффуз шакли акс эттирилса, ўқувчига ен-

тушунган рус олимлари мана шунинг учун традицияни бузмайди ва ўқувчини қийин-чиликни енгишга ўргатади. Бошқача қилиб айтганда, саводни саводсиз ўқувчи даража-сига туширмайди, балки ўқувчини саводхон даражасига кўтараяди.

Бу масалага тўхташимиздан мақсад, сиз-ларни ҳар бир масалани теран ўрганишга, жумладан, ўзбек тили билан боғлиқ жумбоқ-ларга ҳам аҳамият бериш ва уларни ҳал этиш-да фoл иштирок этишга даъват қилмоқдир.

Энди мазкур тўртта сўзнинг маъно фарқ-ларига келсак, биринчи фарқ шундаки, “дарс” ва “сабоқ” сўзлари ҳам ўқувчига, ҳам ўқит-увчига тегишлидир. Булар ҳам ўрганишни, ҳам ўргатишни билдиради. “Ўқиш” ва “таҳсил” сўзлари эса фақат ўрганувчига тегишли. Бу фарқ мазкур тўрт сўзни иккигидан иккига бў-лувчи фарқдир. Аммо “дарс” билан “сабоқ” ва “ўқиш” билан “таҳсил” сўзлари ўртасида ҳам маъно фарқи бор. “Сабоқ”нинг “дарс”дан



Ифтихор

Ўтган йили юртдошимиз Диёра Келдиёрованинг дзюдо бўйича олимпиада чемпиони бўлгани бутун халқимизга ғурур бағишлади. Бу тарихий ғалаба мамлакатимиз бўйлаб шодиёнага айланди. Диёранинг жасорати ҳали тилдан тушмай туриб, яна бир аёл спортчимиз — Гулшан Алимардонова ҳам жаҳон чемпиони бўлди. Энди аёллар орасида каратэ бўйича ҳам ўзбек қизи дунёда биринчи. Шу пайтга қадар каратэ бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Достонбек Отаболаев олтин медални қўлга киритган эди.

ЎЗБЕК КАРАТЭСИ ИЛК АЁЛ ҚАҲРАМОНИНИ КАШФ ҚИЛДИ

Миср пойтахти Қоҳирада юксак нати-жага эришган 19 ёшли Гулшан мамлакатим-изда хотин-қизларни ҳар томонлама қўл-лаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор самарасини кўрсатди. Эзгу ният-лар билан қиз фарзандига Диёра деб исм қўяётганлар сафи энди Гулшан исмига ҳавасмандлар билан кенгайса ажаб эмас. Аслида, Барчиной ва Тўмарислар авлоди-дан бўлмиш мағрур, голиб ўзбек қизлари-ни бугун спортнинг турли жабхаларида учратиш мумкин. Ўзбек каратэ спорти саҳифаларида ҳам афсонавий аёл каратэ-чи, биринчи Осиё ўйинлари голиби Сафия Каспўлатова, таниқли каратэ вакиллари Севинч Раҳимова, Моҳларой Ҳакимжано-ва, Бону Эгамбердиева каби ўзбек аёл-қиз-лари ҳақида биттиқлар бор. 50 килограмм вазн тоифасида “Қоҳира — 2025” каратэ WKF бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган Гулшан Алимар-донова ҳам энди уларнинг сафида.

— Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан барча спорт турларига, хусусан, каратэга ҳам алоҳида эътибор берилган, аини йўналишни янада



ривожлантириш юзасидан ҳуқуқий-меъ-рий ҳужжатлар имзоланаётгани йирик ва нуфузли мусобақаларда самарасини кўр-сатмоқда, — дейди каратэ WKF бўйича терма жамоамиз бош мураббийи Сулай-мон Юсупов. — Қоҳирадаги мусобақалар-дан кўнглим тўлди. Фақат бу ютуқларни каррасига қўлайтириш керак. Гулшан Алимардонова каби интилувчан, умид-ли каратэчиларни кашф қилишда бундай спорт мусобақалари муҳим ўрин тутаяди.


Қаҳрамонимизга 11 йилдан буён каратэ сир-асрорини ўргатиб келётган мураббий Ойбек Обякулов Гулшаннинг катталар ўртасидаги биринчи мусобақаси муваффақият билан бошланганидан бениҳоя хурсанд.

— Шогирдларим орасида Гулшан каби кучли қизлар кўп. Бироқ жаҳон чемпионатида ғалаба қозониш жуда қи-йин. Чунки аёллар орасида фақат 5 та

вазн бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Шунинг учун фақат 5 аёл спортчиша жа-ҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўла-ди, — дейди мураббий.

Саккиз ёшдан каратэ билан шуғулла-наётган, шу спорт билан яшаб, ўзининг ёруғ келажагини барпо этаётган Гулшан Алимар-донованинг голиблик шохсўпасидаги ҳолати-ни кўргандирсиз. Ватанимиз мадҳияси ижро этилгани заҳоти у жўр бўлиб айта бошлади. Қўзида қувонч ёши, қалбида айни гуллаган ёшликнинг, голибликнинг кучли ҳаяжони. Шу тобда у спорт инсонга энг яхши тарбия-чи бўлиб, ҳар томонлама улғайтиришни, аиникса, Ватанга чексиз муҳаббат ҳиссини шакллантириши ҳақида ўйлаганини айтди.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246.
34655 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳих: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллоев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎзА якуни — 01:50 Топшириқди — 01:55